

сентябрь 2018

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
29 сентябрь
ШАНБА
№ 78 (13131)

www.thtp.uz

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устозлар!
Қадрли дўстлар!
Сиз, азиятларни, сизларнинг тисолингиз-
да ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясидек шараф-
ли ишга бағишлаган барча юртдошларимизни
1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини
билан самимий мураббад этаман.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла
Авлонийнинг: "Инсон тафаккурининг қув-
вати ва кенглиги аввало муаллим тар-
биясига боғлиқ", деган сўзлари сизларнинг
машаққатли, айна вақтда олижаноб фаолият-
тингизга берилган юксак баҳодир, десак,
ўйлайманки, адашмаган бўламиз.

Ҳақиқатан ҳам, биз ўзимиздаги жамики
яхши фазилатлар, ҳаётда эришган барча
ютуқларимиз учун сиз, азиятлардан умрбод
қарздормиз.

Ушбу кутлуг айёмда сизларнинг шаънингиз-
га энг гўзал сўзлар, эзгу тилакларимизни из-
ҳор этар эканмиз, барчамизнинг камол топи-
шимиз, жамиятда муносиб ўрин эгаллашимиз-
да бор билим ва тажрибасини, қалб ҳарора-
тини бахш этиб келаётган меҳридор устоз-
ларимизга чин юракдан миннатдорлик бил-
дирамыз.

Хурматли дўстлар!
Барчамиз яхши тушунамиз, таълим-тарбия
– ҳар қайси давлат ва жамиятнинг нафақат
бугунги, балки эртанги кунини ҳам ҳал қила-
диган энг муҳим ва устувор масалалар.

Шунинг учун мамлакатимизда бу масалага
давлат миқёсида улкан эътибор қаратилмоқ-
да.

Бу ҳақда гапирганда, охириги вақтда мамла-
катимизда таълим-тарбия тизимини мутлақо
янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган
бир неча муҳим қарорлар ҳақида алоҳида
тўхталишни ўринли, деб биламан.

Аввало, 2017 йил 30 сентябрда қабул қилин-
ган Президент қарорига мувофиқ юртимизда
биринчи марта Мактабгача таълим вазирли-
ги ташкил этилди. Шу асосда ўтган қисқа
даврдан ушбу тизим тубдан янгича негизда
ташкил этилган, 980 дан ортиқ боғча қури-
либ, ишга туширилгани, бу масканларда таъ-
лим-тарбия ишлари мазмун ва сифат жиҳати-
дан энг илғор усул ва воситалар ёрдамида
олиб борилаётганини қайд этиш лозим.

Яна бир муҳим ҳужжат – 2018 йил 14 август-
да қабул қилинган Президент қарорига би-
ноан бошланғич ва юқори синф ўқитувчилар-
нинг маошлари тенглаштирилди, янги йил-
дан бошлаб мутахассис ўқитувчиларнинг оши-
рилган ойлик иш ҳақи миқдори 54 фоизга,
олий тоифали педагогларники эса 64 фоизга
етиши кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, педагог ходимларни на-
мунавий арзон уй-жойлар, автотранспорт во-
ситалари билан таъминлаш мақсадида узок
муддатли имтиёзли кредитлар бериш, улар-
нинг оила аъзоларига тадбиркорлик фаолият-
и учун имтиёзли кредитлар ажратиш тизими
йўлга қўйилди.

Ана шу ишларнинг давоми сифатида шу йил
5 сентябрда қабул қилинган "Халқ таъли-
мини бошқариш тизимини такомиллаш-
тириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида"ги Президент фармони соҳа та-
раққиётида янги уфқлар очиб беради, деб
ўйлайман.

Фармонда, жумладан, халқ таълими муас-
саларини бошқариш тизимини такомиллаш-
тириш, моддий-техник ва ўқув-методик база-
сини мустаҳкамлаш, нодавлат умумтаълим мас-
канлари тармоғини янада ривожлантириш,
"Замонавий мактаб" давлат дастурини тай-
ёрлаш, ишлаб турган пенсионер ўқитувчилар-
га пенсияларини тўлиқ миқдорда тўлаш каби

масалалар аниқ белгилаб қўйилганидан сиз-
лар албатта хабардорсиз.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олий
таълим тизимини ривожлантиришга ҳам усту-
вор аҳамият берилмоқда. Янги олий ўқув юрт-
лари билан бирга чет элдаги нуфузли уни-
верситетларнинг филиаллари очилмоқда,
олий таълим муассасаларига қабул квотала-
ри оширилмоқда, кўпгина йўналишлар бўйи-
ча сиртқи бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси таълим-тарбия жараён-
ларининг сифати ва даражасини замон та-
лаблари асосида тубдан яхшилаш, захматкаш
устозларимиз, мазкур соҳада фаолият кўрса-
таётган барча фидойи инсонлар учун муно-
сиб меҳнат шарафлари яратиш, уларнинг
кадр-қимматини юксалтиришга қаратилгани
билан айниса аҳамиятлидир.

Юртимизда жорий йил Инвестиция дасту-
ри доирасида 356 та таълим муассасасида
684 миллиард 700 миллион сўмлик, "Обод
қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари бўйи-
ча эса 371 та умумтаълим мактабида 424
миллиард сўмдан зиёд қурилиш-реконструк-
ция ва таъмирлаш ишлари амалга оширил-
моқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, шу йил август ойи-
га қадар давлат бюджетидан 12 триллион 366
миллиард сўм ёки ялпи харажатларнинг 26
фоиздан зиёди айна таълим-тарбия соҳаси-
га йўналтирилганини ҳисобга оладиган
бўлсак, ушбу тизимдаги ислохотларимизнинг
қўлими ва миқёси янада яққол аён бўлади.

Албатта, мамлакатимизда амалга оширила-
ётган ана шундай улкан ишларнинг амалий
таъсири ва натижадорлигини таъминлашда
ўқитувчи ва мураббийларнинг ўрни ва роли
беқиёс эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Шунинг учун ҳам ёшларни миллий ва умум-
башарий қадриятлар руҳида, замонавий би-
лим ва касб-ҳунарлар, хорижий тилларни пух-
та эгаллаган, Ватанимиз ва халқимизга садо-
қатли инсонлар этиб вояга етказишда аввало
сизларга таянамиз.

Айниқса, бутун дунёда мураккаб ва тахли-
кали вазият ҳукм сураётган ҳозирги вақтда
ёшлар ҳаётига таҳдид солаётган хавф-хатар-
ларнинг олдини олиш, жаҳолатга қарши маъ-
рифат билан курашишда сизларнинг ибратли
фаолиятингиз улкан аҳамиятга эга.

Шу борадаги ўта масъулиятли вазифалар
сизлардан ўз устингизда тинимсиз ишлаш,
фарзандларимизни янгича тафаккур, юксак
инсоний туйғулар билан ошно этиш, уларда
мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини
узлуксиз ривожлантириб боришни талаб эт-
моқда.

Ишончим комил, миллати, тили ва динидан
қатъи назар, Ватанимизнинг ҳар бир фарзан-
дини ўз боласидек севиб, ардоқлаб, уларни
баркамол инсонлар этиб тарбиялаш учун сид-
қидилган меҳнат қилаётган сиз, хурматли
Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийлари бу ва-
зифаларни албатта шараф билан адо этасиз.
Бу йўлда сизларни доимо қўллаб-қувватлаш,
барча зарур шароитларни яратиб бериш учун
давлатимиз ва жамиятимиз ўзининг бор куч
ва имкониятларини бундан бўён ҳам аямайди.

Азиз ва муҳтарам устозлар!
Барчангизни бугунги умумхалқ байрами би-
лан яна бир бор самимий табриқлайман.
Олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда
куч-ғайрат, ютуқ ва омадлар, ҳонадонларин-
гизга бахту саодат, файзу барака тилайман.
Ҳеч қачон кам бўлманг, меҳрибон устозлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини

Ўқитувчи, устоз, му-
раббий!

Ҳаётимизни улуг инсо-
ний фазилатлар, самимий
туйғулар билан бойитувчи,
эзгуликка етакловчи зот.
"Устоз отангдек улуг", де-
ган таъкид ажодларимиз
ўғитларининг сарлавҳаси.
Баски, ота-оналар жон
риштасидан бунёд бўлган
энг азиз неъмат – фарзан-
ду аржумандини атак-че-
чак пайтиданоқ ўқитувчи-
ларга ишониб топшириш-
ларида ҳам бир ҳикмат
бор-да!



САОДАТГА ЙЎЛЛОВЧИ МАШЪАЛ

Алломалар илм-фан, таъ-
лим-тарбияни саодатга
йўлловчи, бахтга элтувчи
машъал, дея таърифлар
эканлар, ўқитувчиларни шу
машъални қўлда тутиб,
йўлларни ёритувчи, дея
улуглайдилар. Ҳазрат Али-
шер Навоий бобомиз бир
ҳарф танитган устоз меҳна-
тини юз ганж билан ҳам

адо этиб бўлмаслигини
айтиб, устодлар шаънини
қўқларга кўтаради. Буюк сўз
заргари Абдурахмон Жо-
мий эса:
"Устод муаллимсиз
қолса бир замон
Нодонликдан қора
бўларди жаҳон"
дея мухтасар таъриф бера-
ди. Дарҳақиқат, ўқитувчи-

ларга нисбатан айtilган
бундай шараф ортиқча
изоҳга муҳтож эмас. Зеро,
илмсизлик жаҳолатга, ус-
тозлар сабоғи камолотга
элтади. Алалхусус, вилоят-
тимиз халқ таълими тизи-

мидаги 1 минг 348 та таъ-
лим муассасаларида ёш ав-
лодга илм зиёсини тарата-
ётган педагоглар ҳақида
ҳам шундай эътирофларни
келтиришнинг айна маври-
дидир...

Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағиш-
ланган мақолаларни 4-соҳифода ўқийсиз.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Куни кеча
Саудия Араби-
стонининг
"Al-Hidiya global
company" Ltd
компаниясининг
директорлар
Кенгаши раиси
шайх Салех ибн
Салим Бахвиний
бошчилигидаги
делегация вилоят
ҳокимлигига
ташриф буюрди.



Вилоят
ҳокимлигида

Амалий мулоқотда вилоят ҳокими
Ғулмжон Ибрагимов, ҳокимнинг туризм-
ни ривожлантириш масалалари бўйича
ўринбосари С. Низамов, "Чорвоқ" эркин
туристик зонаси директори Ж. Садилов,
вилоят инвестиция бош бошқармаси
бошлиғи Ш. Шазиятов ва бошқа мута-
садди вакиллар иштирок этдилар.
Томонлар ўзаро тенглик, ҳурмат ва
манфаатдорлик принципларига риоя
қилган ҳолда, вилоятнинг тоғ олди
худудлари ҳамда хушманзара жойлари-
да меҳмонхоналар, сикатгоҳлар билан
биргаликда сайёҳлик комплексини ку-
риш ва шу орқали туристлар оқимини
кўпайтириш борасида фикр алмаши-
дилар. Шунингдек, араблар инвестицион
ислохотларни амалга ошириш юзасидан
балиқчилик, қўйчилик ва қорамол етиш-
тириш бўйича тақлифлар билдиришди.
Хусусан, вилоятга чегарадош дарё

бўйлари ва тоғ зоналарида махсус ком-
плекс корхоналар қурилиши, ишга туши-
рилиши ҳисобига бир неча минг фуқа-
роларимиз бандлиги таъминланиши ай-
тиб ўтилди.

Вилоят ҳокими делегация вакиллари-
га вилоятдаги мавжуд сўлим гўшалар,
туристик объектлар қурилиши учун қўлай
бўлган худудлар тўғрисида маълумот бе-
риб ўтди. Иштирокчилар тақлифлар бо-
расидаги музокаралар кейинги учрашув-
ларда яна қайта кўриб чиқиши юзасидан
келишиб олдилар.

Ташриф доирасида делегация вакил-
лари билан вилоятнинг бир қанча иқти-
содий-инвестицион, туризмга оид
объектлари, жумладан, меҳмонхоналар
қурилиши учун тақлиф этилган худудлар
билан танишиш мақсадида жойларга чи-
қилди.

Ширинхон МҲМИНОВА

Фестиваль- кўргазма

Китоб ҳаётни ўргатувчи
энг яхши устоздир. Бади-
ий асарлар орқали киши-
лар узоқ ва яқин ўтмишда
яшаб ўтган донолар билан
сирлашиши, замон қаҳра-
монлари билан суҳбатла-
шиши мумкин.

МАЪНАВИЙ ЕТУК АВЛОД – ЮРТ КЕЛАЖАГИ

"Турон" вилоят ахбор-
рот-кутубхона марказида
"Соғлом ва маънавий етук
авлод – юрт келажаги"
лойиҳаси доирасида ўтқа-
зилган "Болалар китоби"
фестиваль-кўргазмаси шу
мақсадни қўлагани билан
аҳамиятли бўлди. Мазкур



тадбир вилоят ҳокимлиги
ҳамда матбуот ва ахборот
бошқармаси билан ҳам-
корликда Президентимиз-
нинг 2017 йил 13 сентябр-
даги "Китоб маҳсулотла-
рини нашр этиш ва тар-
қатиш тизимини ривож-
лантириш, китоб мутола-
аси ва китобхонлик мада-
ниятини ошириш ҳамда
тарғиб қилиш бўйича
комплекс чора-тадбирлар
дастури тўғрисида"ги Қар-
ори ижроси доирасида
ташкил этилди.

Китоб фестивалини ўт-
казишдан қўзланган асо-
сий мақсад ёш авлоднинг
китобхонлик маданиятини
юксалтириш, ёшларнинг
миллий адабиётимизга,
китоб ўқишга бўлган меҳ-
рини ошириш, шунинг-
дек, нашриётларимизда
чоп этилаётган китоб маҳ-
сулотлари билан халқим-
из, айниса, ўқувчи-
ёшларни кенгрок таниш-
тиришдир.

Давоми 2-бетда →

Халқ депутатлари Бекобод тумани кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари Бекобод тумани кен-
гашининг навбатдан ташқари сессияси
бўлиб ўтди.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган сессия-
да ташкилий масала кўрилди. Ишда йўл
қўйган хато ва камчиликларни учун Ота-
бек Исроилов туман ҳокими вазифаси-
дан озод этилди.

Шу вақтга қадар Паркент тумани ҳоки-
ми вазифасида ишлаб келган Неъмат Аб-
дуллаев Бекобод тумани ҳокими вази-
фасини бажарувчи этиб тасдиқланди.

Сессияда вилоят ҳокими
Ф. Ибрагимов сўзга чиқди.

Халқ депутатлари Паркент тумани кенгашининг сессияси

Халқ депутатлари Паркент тумани
кенгашининг навбатдан ташқари
сессияси бўлиб ўтди.

Шу вақтга қадар туман ҳокими
бўлиб ишлаб келган Неъмат Абдул-
лаев бошқа ишга ўтиши муносабати
билан туман ҳокими вазифасидан
озод этилди.

Халқ депутатлари туман кенгаши-
нинг сессияси Нигмат Мухамедовни
Паркент тумани ҳокими вазифасини
бажарувчи лавозимига тасдиқлади.

Сессияда вилоят ҳокими
Ф. Ибрагимов иштирок этди.

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси "Ма-
ҳаллий давлат ҳокимияти тўғри-
сида"ги Қонунининг 2-моддаси-
га мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Неъматжон Озодович

Абдуллаев 2018 йил 25 сентябр-
дан Бекобод тумани ҳокими ва-
зифасини бажарувчи этиб та-
йинлансин.

Вилоят ҳокими

2018 йил 25 сентябрь

2. Ушбу қарор Халқ депутат-
лари Бекобод тумани кенгаши-
нинг навбатдан ташқари сессия-
сига тасдиқ учун киритилсин.

Ф. ИБРАГИМОВ

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси "Ма-
ҳаллий давлат ҳокимияти тўғри-
сида"ги Қонунининг 2-моддаси-
га мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нигмат Исроилович

Мухамедов 2018 йил 25 сентябр-
дан Паркент тумани ҳокими ва-
зифасини бажарувчи этиб та-
йинлансин.

Вилоят ҳокими

2018 йил 25 сентябрь

2. Ушбу қарор Халқ депутат-
лари Паркент тумани кенгаши-
нинг навбатдан ташқари сессия-
сига тасдиқ учун киритилсин.

Ф. ИБРАГИМОВ

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган интеграция глобаллашуви жараёнига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу бир томондан қўйимат яратишнинг трансмиллий "занжирини" кўзда тутган ҳолда, иккинчи томондан ишлаб чиқариш соҳасида ҳам рақобатни кучайтирмоқда.

Президентимизнинг интеграция қарарига асосланган таътиб-рини бугун Европанинг ривожланган давлатлари юқори

Интеграцияларнинг кичик даражаси мамлакатлар иқтисодиётида янги ҳўжалик юртиш тизимини шакллантириш

зариясини ўрганиш жаҳон ҳамжамиятида тез сўрватларда ўсиб бормоқда ва уни амалиётда қўллаш эса миллий ва минтақавий иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишлари айланимда. Кластер назарияси илмий жараёнга маркетинг стратегияси шаклида, давлат,

консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш – инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга йўналтиришдан иборат. Бунда аҳолини иш билан таъминлашдек муҳим жиҳат ҳам

Давлатимиз раҳбарининг "Энг муҳим вазифа – халқимиз онгида инновацион тафаккурни шакллантириш, инновациялар бўлмаган жойда ривожланиш ва рақобат бўлмайди" деган ғоявий фикри замирида катта ҳаётий маъно мужассам.

Шу маънода, қишлоқ ҳўжалиги тизимида миллий бойлигимиз ҳисобланган пахта-тўқимачилик кластерида қўлланилаётган инновацион ғоялар нафақат енгил саноатни, балки ўз йўлида қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ўнлаб тармоқларни ҳам қамраб олади.

Ўзбекистонда пахта хом ашёсининг асосий истеъмолчиси тўқимачилик саноати бўлиб, у республиканинг саноат комплексида муҳим ўрин тутади. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Бакридин ЗАРИПОВ,
Қишлоқ ҳўжалиги фанлари академиясининг аъзоси,
биология фанлари доктори, профессор

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган ҳодимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мукофотланганлар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"

Раджабов Бахтиёр Шарипович – Чирчиқ давлат педагогика институтининг аниқ фанлар кафедраси профессори

"Филокорона хизматлари учун" ордени билан

Муталова Гўлчехра Хамидовна – Пискент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

"Меҳнат шўхрати" ордени билан

Турсунова Қосима Махкамовна – Бўқа туманидаги 15-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси

"Дўстлик" ордени билан

Тен Светлана Константиновна – Юқори Чирчиқ туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

"Шўхрат" медали билан

Амонова Хўршида Абдуқодировна – Охангарон туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Исроилова Нилофар Жалоловна – Чирчиқ шаҳридаги 15-болалар мусика ва санъат мактаби директори

Носиров Исроил Махмудович – Паркент туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Раҳматуллаева Моҳира Турдалиевна – Оққўрғон қурилиш ва коммунал ҳўжалиги касб-хўнар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Турдибекова Замира Хаматовна – Бекобод шаҳридаги 5-мактабга таълим муассасаси мудири

Юлдашева Шохид Бахтияровна – Тошкент туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

«ОЛМАЗОР»ДА ҚАНДАЙ МУАММО АНИҚЛАНДИ?

Чиноз туманида ташкил этилган "Олмазор" кичик саноат зонасида тадбиркорлик фаолиятини лицензиялаш ва сув билан боғлиқ муаммо мавжудлиги аниқланди.

Қарор ва ижро

Маълумки, Президентимизнинг 2017 йил 10 августдаги "Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, "Олмазор" кичик саноат зонаси ташкил этилган эди. Айти пайтга қадар мазкур кичик саноат зонасида "Zamon Target" масъулияти чекланган жамиятининг "Ангар ишлаб чиқариш" лойиҳаси якунига етказилди. Ушбу ҳудудда 2019 йилнинг биринчи, иккинчи чорақларида яна 9 лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган.

Бу ҳақда Халқ депутатлари Чиноз тумани кенгашидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида маълум қилинди.

Туман ҳокимлиги, кичик саноат зонаси дирекцияси, "Сувоқова" ДУК масъуллари, тадбиркорлар ва партия фаоллари иштирок этган йиғилишда ҳудудда тадбиркорлар учун муаммолар мавжудлиги ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, "Zamon Target" МЧЖнинг "Ангар ишлаб чиқариш" лойиҳаси якунланганидан бўён уч ой муддат ўтган бўлса-да, унга ҳалигача лицензия берилмаган. Шунингдек, ҳудудга сув тармоғи олиб қилинган.

Йиғилишда юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида масъулларнинг ҳисоботи тингланиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Авзабек ХУДОЙҚУЛОВ,
ЎЗА мухбири

КЛАСТЕР – «ХАЗИНАЛАР САНДИҒИ» ДИР

баҳоламоқда. Айниқса, юртимиздаги фан-таълим тизимидаги интеграциялашуви жараёни катта анжуманларда, халқаро симпозиумларда тан олинапти. Агар иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган давлатлар таърибасига назар ташласак, бу юксалиш замирида илм-фанни тубдан ривожлантириш турганига гувоҳ бўламиз.

Йўли ҳисобланиб, ўзаро пириорд маҳсулот ишлаб чиқарилган ва географик яқин бўлган корхона ва ташкилотларни ўз ичига олган "кластер"лар яратилди.

"Кластер" атамаси французча бўлиб, "боғлам", "гуруҳ", "тўпланиш" маъноларини беради. Қиёсий таъриф берсак, бу – "хазиналар сандиғи"дир. "Кластер" на-

ҳудудлар ва минтақалар корхоналарининг бозордаги рақобат муҳитида ғолиб бўлишни таъминловчи ғоя-усули сифатида кириб келди.

Кластерларни шакллантиришдан мақсад шаҳар, туман ва вилоят ичида жойлашган бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технопарк занжирда бўлган таълим, илмий, инжиниринг,

ўзини намоён этади. Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик саноатида кластер тизимини жорий қилиш ташаббуси мамлакат қишлоқ ҳўжалигини яхлит бир тизим асосида ривожлантириш учун маҳсулот олиб бўлди. Энг муҳими, бу тизим асосида мамлакатимизнинг қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган олимлар бирлашди.

МАЪНАВИЙ ЕТУК АВЛОД – ЮРТ КЕЛАЖАГИ



...Кутубхона ҳовлиси мўъжазгина "китоблар мамлакатига" айланган. Китоблар дунёсига саёҳат жараёнида

Бошланғич 1-бета

адабий-бадиий, илмий-маърифий, қомулсий, ўқув-услубий нашрларнинг ранг-баранглигидан, билимга ташналик билан китоб варақлаётган, улардаги завқли саргузаштлардан ҳайратланаётган болаларнинг иштиёқи ва мутолаага интилишидан кўз қувнайди.

Тадбирда таниқли шоир ва ёзувчилар, болалар учун мўлжалланган газета ва журнал-

лар муҳаррирлари ҳам иштирок этишди. Болажонлар билан ширин суҳбатлар қурган меҳмонлар Бўқа туманидаги 15-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига китоблар совға қилишди.

– Бугун таниқли ижодкорлар қўлидан китоб олганимдан хурсандман, – дейди Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Отабек Носиров. – Бадиий асарлар ўқишни жуда ҳам ёқтираман. Катта бўлганимда актёр бўлмоқчиман.

Устозимизнинг айтишича, яхши актёр бўлиш учун кўп китоб ўқиш, монолоғлар ёзда, сўз бойлигимизни ошириш керак экан.

Фестиваль доирасида "Зуқко китобхон" танлови ҳам бўлиб ўтди. Танловда фаол иштирок этган болаларга "Наврўз" наشريёти томонидан китоблар тарқатилди.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Равшан МИРЗАКУЛОВ
олган сурат

КОНТРАФАКТ МАҲСУЛОТЛАР

соғлиқ, сифат ва иқтисодиёт кушандаси

матбуот нашрлари, интернет сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали мунтазам чиқишлар қилинапти. Хусусан, аҳолини контрафакт маҳсулотларидан огоҳликка қақурувчи бир неча ижтимоий роликлар тайёрланиб, эфирга узатилди.

Қўрилаётган чораларга қарамай, бозор ва савдо расталарида турли хилдаги сифатсиз, миллий маънавиятимизга зид, "оммавий маданият"ни тарбия этувчи маҳсулотлар савдоси қамаймапти. Бундай ҳолатларнинг юзага келиши-

да, айрим "тадбиркор"ларнинг қўли борлиги ачинарли. Улар яширин ҳолда сифатсиз хом ашёдан маҳсулот тайёрлаб, бозорларга тарқатишмоқда. Шунингдек, хориждан турли қинғир йўллар билан миллий стандартларимизга зид маҳсулотлар кириб келмоқда.

Тадбир якунида контрафакт матбаа маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва савдосига қарши курашиш бўйича таклифлар билдирилди.

ЎЗ мухбири

2018 йил – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

ТАБИАТНИНГ БЕТИМСОЛ

қайта тикланувчи энергия манбалари иқтисодий тараққиётнинг асосий йўналиши бўлиб қолаверади

йилгача эса 19 фоизга етказиш режалашмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламининг кенгайиши учун тўсиқ бўлаётган айрим омиллар мавжуд ва унинг ечимини учун етарли тажриба тўпланган. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Конунчилик омиллари. Қайта тик-



ланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмлари бўйича қонунчилик базасининг етарли даражада шакллантирилмагани.

Бунинг учун Ўзбекистонда муқобил энергетика соҳасидаги ишларни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича илдор хориж тажрибасини ўрганиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш, соҳада замонавий ускуна ва қурилмаларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бу борада хорижлик мутахассислар билан тажриба алмашиш, муқобил энергия олишнинг янги технологияларини татбиқ этиш

жараёнига фуқаролик жамияти институтларини янада кенг жалб қилиш керак.

Иқтисодий омиллар. Қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқариш қўйиматининг юқорилиги ва аънавий энергия манбаларига нисбатан қамроқ қувватга эга эканлиги, қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллашни рағбатлантирувчи чоралар (тариф ва солиқлар) ва давлат

трли. АҚШ долларига ошиши учун шароит яратди.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламининг бундай ошиши 2030 йилга бориб дунё аҳолиси турмуш даражасининг 2,7 фоизга, иссиқлик ва транспорт соҳасининг юқори даражада электрлаштирилиши ҳисобига, ҳаттоки, 3,7 фоизга қўтарилишига олиб келади. Шунингдек, қайта тикланувчи энергияни ишлаб чиқариш соҳасидаги бандлик кўрсаткичи 2030 йилга бориб 7,7 млн. кишидан 24,4 млн. кишига ортади. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида 2030 йилгача сув энергиясидан фойдаланиш ҳажмининг ошиши ҳисобига парник газларининг 40 фоизга қамайиши, бунинг оқибатида ЯИМни ўртача 0,46 фоизга, бандлик даражасининг 0,5 фоизга ошиши айтилмоқда.

Технологик омиллар. Замонавий бошқарув тизимлари асосланган прогрессив техника ва технологияларнинг етарли даражада ривожланиши.

Барча мамлакатларнинг 2015 йилдан 2050 йилгача қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтишига доир тадқиқот Лаппеенранта технология университети (Финляндия) ва Energy Watch (EWG) халқаро тадқиқот гуруҳи мутахассислари томонидан махсус халқаро кўргазма учун тайёрланган. Кўргазма БМТнинг Бонндаги Иқлим ўзгаришига доир анжумани доирасида очилган.

Тадқиқот муаллифлари 2050 йилга бориб, нафақат қайта тикланувчи энергия манбаларига тўлиқ ўтиш бўйича технологик имкониятлар бо-

расида, балки, уларнинг углеводород ҳамда атом манбаларига нисбатан иқтисодий самараси ҳам катта экани борасида бирдек хулосага келишган.

Ахборот-психологик омиллар. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмлари тўғрисида ахборотларнинг етишмаслиги.

Жаҳон таърибасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш рағбатлантиришнинг қатор иқтисодий механизмлари мавжудлиги маълум. Ушбу механизмлар орасида "яшил" сертификатлаш тизими, технологик улаш харажатларининг давлат томонидан қопланиши, қайта тикланувчи энергия манбаларига қатъий тарифлар, соф ўлчов тизими каби иқтисодий механизмлар муҳим аҳамиятга эга. "Яшил" сертификат тизими – бу қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш воситасидир.

"Яшил" сертификат қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқарувчилари, истеъмолчилари ва етказиб берувчиларига давлат томонидан дотациялар, мукофотлар, имтиёзлар ва бошқа турдаги молиявий ёрдамлар кўрсатилишига йўл очди. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг яна бир муҳим механизми рағбатлантиришнинг қатор иқтисодий механизмлари мавжудлиги маълум. Ушбу механизмлар орасида "яшил" сертификатлаш тизими, технологик улаш харажатларининг давлат томонидан қопланиши, қайта тикланувчи энергия манбаларига қатъий тарифлар, соф ўлчов тизими каби иқтисодий механизмлар муҳим аҳамиятга эга. "Яшил" сертификат тизими – бу қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш воситасидир.

Мутахассис
маслаҳати

Давлатимиз томонидан оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида босқичма-босқич зарур тиббий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

ТИББИЙ КЎРИК – САЛОМАТЛИККА КЎПРИК

Туғиш (фертил) ёшидаги аёлларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтишлари вужудга келаётган касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда уни эрта бартараф этиш имконини беради.

Аввало, туғуруқлар оралигини сақлаш оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишда муҳим омил эканини таъкидлаш жоиз. Она бўлишга тайёргарлик ҳомиладорлиқни режалаштиришдан анча аввал бир неча текширувлардан ўтишдан бошланади.

Терапевт кўриги орқали – турли экстрагенитал касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш, гинеколог кўриги орқали эса махсус таҳлилга кўра, турли инфекциялар ва аёллар касалликларини ўз вақтида ташхислаш мумкин. Шунингдек, лор, окулист, эндокринолог, кардиолог, невропатолог текшируви ҳамда стоматолог кўриклари ҳам жуда муҳим.

Аёллар ўз саломатлиги ва ҳомиласи соғлигини сақлаш учун ультратовуш текшируви, скрининг марказлари кўригидан ўтишлари, айниқса, мақсадга мувофиқдир.

Ҳомиладорлиқни режалаштиришда аёлнинг ёшини ҳисобга олиш зарур. Хусусан, биринчи ҳомиладорлик учун 21 ёшдан кейинги давр мақбул саналади. Ҳомиладор аёллар белгиланган муддатдаги тиббий кўрик вақтида шифокорлардан зарур бўлган маълумотлар ҳамда ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишлари мумкин.

Аёл ўз саломатлигини асрашда гигиена қоидаларига амал қилиши, тўғри овқатланиши, иш ва дам олишни тўғри ташкиллаштириши, зарарли одатлардан воз кечиши, турли стресс ҳолатлардан сақланиши ва доимо врач назоратида бўлиши керак.

К. ТўЛАГАНОВА,
"Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти" вилоят бўлими асосий директори

Йўлингиз БЕХАТАР БЎЛСИН

Вилыот ЙХХБ томонидан мунтазам равишда ўтказиб келинаётган "Автопатруль рейд" тадбирлари давом этмоқда. Афсусланарлиси, олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, алоҳида тадбирларга қарамай, спиртли ичимлик ичиб машина бошқарётганлар сони камаймаяпти.

➔ Назорат



Оқибати аянчли тугаши мумкин бўлган бундай хатти-ҳаракатни содир этётганлар ҳам орамиздаги одамлар. Ҳатто, маст ҳолда автомобиль бошқарганларга нисбатан жазиранинг оширилгани ҳам уларнинг кўзларини очмаётгани ачинарли ҳол.

Кунни кеча ўтказилган тадбирда ҳам 123 нафар маст ҳолда автоулов бошқарган ҳайдовчилар аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Бу ҳайдовчиларнинг ҳар бири оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқариши, бегуноа бир инсонни ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабабчи бўлиши мумкин эди. Йўл-патруль хизмати инспекторларининг ҳушёрлиги сабабли бунинг олди олинди.

Рустамбек АСҚАРОВ,
вилыот ИИБ ЙХХБ
матбуот гуруҳи
инспектори

2018 йил 1 сентябрь ҳолатига корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумот (фермер ва деҳқон хўжаликларида ташқари)

ЎЗБЕКИСТОН

2018 йилнинг январь-август ойда вилыотда 3,7 мингга яқин корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 695 тага кўпдир.

Жорий йилнинг бошига нисбатан фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 3,1 мингга (11,7 фоиз) га ўсган ҳамда уларнинг умумий сони 30,1 мингтани ташкил этган.

Корхона ва ташкилотларнинг умумий сониди фаолият кўрсатаётганларнинг улуши 88,7 фоизни, шу билан бирга жами корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатаётганларнинг улуши 11,3 фоизни ташкил этганлигини кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич эса йил бошига нисбатан таққосланганда 1,4 ф.п. камайган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича жами фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан 22,0 фоиз савдода, 19,0 фоиз саноатда, 11,1 фоиз қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 7,6 фоиз яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 7,3 фоиз қурилишда, 3,4 фоиз ташвиш ва сақлаш, 1,8 фоиз солиқликни сақлаш ва ижтимоий хизмат-

лар кўрсатиш, 1,3 фоиз ахборот ва алоқа ҳамда 26,4 фоиз бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келади.

2018 йил январь-август ҳолатига 3744 та корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилган. Бу эса 2017 йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 22,8 фоизга кўпдир.

Агар иқтисодий фаолият турлари кесимида кўрсак, энг кўпи саноатда (839 та), савдода (723 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (595 та) ва қурилиш (427 та) соҳаларида ташкил этилган. Энг кам эса солиқликни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (62 та), ахборот ва алоқада (73 та) ҳамда ташвиш ва сақлашда (130 та) ташкил этилганлиги кузатилмоқда.

2018 йил 1 сентябрь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 751 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 178 тага эки 31,1 фоизга ўсган. Шунингдек, хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг 434 таси қўшма, 317 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

2018 йилнинг январь-август ойда хорижий капитал иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 149 тани ташкил қилган. Бу

кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98 тага кўпайган эки 2,9 баробарга ошган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бўлсак, саноатда 89 та, савдода 23 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 15 та, қурилиш ва бошқа хизматларда 7 тадан, солиқликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ташвиш ва сақлашда 3 тадан ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 2 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

2018 йил 1 сентябрь ҳолатига вилыотимизда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони 24,5 мингтани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига қараганда 13,8 фоизга ошган.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган жами 24,5 мингга кичик корхона ва микрофирмаларнинг 6,6 мингтаси (26,8 фоиз) – савдода, 5,6 мингтаси (22,8 фоиз) – саноатда, 3,3 мингтаси (13,4 фоиз) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 2,3 мингтаси (9,3 фоиз) – яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида,

2,2 мингтаси (9,0 фоиз) – қурилишда, 1,0 мингтаси (4,1 фоиз) – ташвиш ва сақлашда, 0,4 мингтаси (1,7 фоиз) – солиқликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда ва ахборот ва алоқа соҳасида ҳамда 2,8 мингтаси (11,3 фоиз) – бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмаларнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига, энг кам улуши эса солиқликни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

2018 йил январь-август ҳолатига 3,4 мингтага яқин кичик корхона ва микрофирмалар янги ташкил этилган. Бу эса 2017 йилнинг шу даврига нисбатан қараганда 19,1 фоизга кўпдир.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида эса энг кўпи саноатда (837 та), савдода (723 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (592 та) ва қурилишда (426 та) ташкил этилган. Энг кам эса солиқликни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (58 та), ахборот ва алоқада (72 та) ҳамда ташвиш ва сақлашда (128 та) ташкил этилган.

Тошкент вилыоти
статистика бошқармаси

нома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси насасидан бир иш кунин олдин, яъни 2018 йил 26 октябрь (дам олиш кунларини инобатга олган ҳолда) ва 2018 йил 12 ҳамда 27 ноябрь кунлари соат 16:00 да тўхта-татилиш. Савдо қилинган аукцион савдоси натижалари бўйича қилиб баённомаси имзоланган санадан бошлаб 5 кун ичида сотувчи билан олди-соти шартномаси имзолаш мажбуриятини юклатилади.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ. А/Р "Халқбанк" Юнусобод филиали. Х/Р: 20208000900757166001. МФО 08023. СТИР 304 802 952. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй.

Телефон: (+998-71) 236-25-53.
www.capitaltrust.uz
Лицензия RR – 0298.

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошлангич нарих босқичма-босқич охиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Юқоридаги кўчмас мулклар 2018 йил 30 октябрь кунин сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2018 йил 14 ва 29 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли Халқ банки филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошлангич наринининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳ-

чи ускуналарни қуриш ва фойдаланишга топширишда рухсат бериш тартиб-таомилларидад ўтиш мuddатларига риоя этилиши юзасидан назорат таъминланади.

Маиллатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга оид ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш мақсадида "Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ақинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ва соҳани ривожлантиришнинг устуворлигини таъминлаш назарда тутилган. Бунда қайта тикланувчи энергия манбала-

лик палатаси мажлиси муҳокамасига киритиш учун тақдим этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Жумладан, "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлари ташаббусига биноан "Ўзбек-энерго" ДАК, ЎзФАнинг Энергетика ва автоматика институти билан ҳамкорликда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириб, улардан фойдаланган ҳолда электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришнинг узок мuddатга мўлжалланган истиқболли концептуал низомилари ва йўналишларини ишлаб чиқариш борасида изчил иш олиб борилади. Партия ва фракция ташаббусига кўра, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилди. Муҳокамадан ўтаётган "Қайта тикланувчи энергия тўғрисида"ги Қонун лойиҳасига таклифлар берилди.

Яна шуни ҳам қайд этиш керакки, партиямиз ушбу масалага доир, яъни, чиқиндидан биогаз ишлаб чиқарадиган биогаз қурилмаларини "намойиш вариант"ларини яратиш ва уни жорий этиш жараёнида фаол иштирок этиб келяпти. Қайта тикланувчи энергия манбалари мавзусида ўқув қўлланмалари чоп этиб, ўқув дастурларига киритилишига эришилди.

Халқ депутатлари вилыот Кенгаши сессияларига ҳам шу йўналишда масалалар киритиб, тахриба ва таклифларини тегишли сессия қарорлари билан инобатга олинди.

Юқорида қайд этилган барча саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Ишончимиз қомилки, мамлакатимизда, ҳадемай, қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш истиқболли дастурлар асосида ривожланади ва унинг тўла ҳуқуқий асослари шаклланади.

Қамолжон ШОДИМЕТОВ,
Халқ депутатлари вилыот
Кенгаши депутати,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Иновация, муқоабил энергетика
тартиботи маркази раҳбари

Эълонлар

"TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориши шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкнинг 19.06.2018 йилдаги №АК-4818/22-сонли буюртманомасига асосан Тошкент вилыоти, Бўстонлик тумани, Чимбойлик қишлоғида жойлашган умумий ер майдони 3,90 Га, қурилиш ости майдони 2241,94 кв.м. ва фойдали майдони 1346,81 кв.м. бўлган "Дам олиш оромгоҳи" мулк мажмуаси, бошлангич баҳоси – 11 309 901 000 сўм.

Ҳужжатларни расмийлаштириш ва рўйхатдан ўтказишда зарур бўладиган давлат божи, (шу жумладан, нотариал тасдиқлаш), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзга келадиган бошқа харажатлар харидор маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.

2. "YANGI ANGREN IES" АЖ балансидаги қуйидаги кўчмас мулклар:

Тошкент вилыоти, Оҳангарон тумани, "Ёнарик" МФЙда жойлашган:

1). 0001-литердаги ташки майдони 941,44 кв.м. бўлган Чилангарлик-механика базаси ва механизмларни сақлаш айвони, бошлангич баҳоси – 290 350 000 сўм.

2). 0005-литердаги ташки майдони 927,50 кв.м. бўлган Таъмир-механика устaxonаси, бошлангич баҳоси – 303 454 000 сўм.

3). 0006-литердаги ташки майдони 148,50 кв.м., 0007-литердаги ташки майдони 307,50 кв.м. бўлган Омборхоналар ва электр ускуналарини таъмирлаш устaxonаси, бошлангич баҳоси – 159 306 000 сўм.

4). 0013-литердаги ташки майдони 451,36 кв.м. бўлган Бетон қопилларини яшаш устaxonаси, бошлангич баҳоси – 149 640 000 сўм.

5). 0024-литердаги ташки майдони 1703,81 кв.м. бўлган Иссиқлик монтаж ускуналарини таъмирлаш устaxonаси ва омборхона, бошлангич баҳоси – 664 549 000 сўм.

6). 0025-литердаги ташки майдони 294,02 кв.м. бўлган Монтаж бошқармаси маъмурий биноси, бошлангич баҳоси – 527 749 000 сўм.

7). 0026-литердаги ташки майдони 125,77 кв.м., 0027-литердаги ташки майдони 338,49 кв.м., 0028-литердаги ташки майдони 79,56 кв.м. ва 0029-литердаги ташки майдони 263,55 кв.м. бўлган Машииний бинолар, омборхоналар, ишлаб чиқариш биноси ва механизмларни сақлаш айвони, бошлангич баҳоси – 281 792 000 сўм.

8). 0030-литердаги ташки майдони 567,51 кв.м. бўлган Зичланган кислород ишлаб чиқариш биноси, бошлангич баҳоси – 263 290 000 сўм.

9). 0032-литердаги ташки майдони 422,62 кв.м. бўлган Қурилиш бошқармаси маъмурий биноси, бошлангич баҳоси – 429 132 000 сўм.

10). 0015-литердаги ташки майдони 322,00 кв.м. бўлган Изоляция ва қопловчи материаллар сақлаш омбори, бошлангич баҳоси – 108 085 000 сўм.

Тошкент вилыоти, Ангрен шаҳри, Нуробод шаҳарчасида жойлашган:

1). 0001-литердаги ташки майдони 920,04 кв.м., 0002-литердаги ташки майдони 21,78 кв.м., 0003-литердаги ташки майдони 235,62 кв.м., 0004-литердаги ташки майдони 888,00 кв.м. бўлган Алоқа бўлими, бошлангич баҳоси – 1 129 223 000 сўм.

2). 0001-литердаги ташки майдони 241,76 кв.м. ва 0002-литердаги ташки майдони 443,18 кв.м. бўлган Музқаймоқ кафееси ва омонат жамғармаси, бошлангич баҳоси – 216 508 000 сўм.

3). 0001-литердаги ташки

майдони 530,61 кв.м., 0002-литердаги ташки майдони 611,42 кв.м., бўлган Омонат жамғармаси, бошлангич баҳоси – 360 420 000 сўм.

4). 0001-литердаги ташки майдони 702,78 кв.м., 0002-литердаги ташки майдони 702,78 кв.м., 0003-литердаги ташки майдони 31,08 кв.м., 0004-литердаги ташки майдони 31,08 кв.м., 0005-литердаги ташки майдони 262,90 кв.м. 0006-литердаги ташки майдони 21,46 кв.м., 0007-литердаги ташки майдони 364,10 кв.м., бўлган 76-сонли болалар боғчаси, бошлангич баҳоси – 649 435 000 сўм.

5). 0001-литердаги ташки майдони 702,78 кв.м., 0002-литердаги ташки майдони 31,08 кв.м., 0003-литердаги ташки майдони 31,08 кв.м., 0004-литердаги ташки майдони 702,78 кв.м., 0005-литердаги ташки майдони 364,00 кв.м. бўлган 74-сонли болалар боғчаси, бошлангич баҳоси – 601 387 000 сўм.

6). 0001-литердаги ташки майдони 1052,12 кв.м. бўлган 2-сонли 5-қаватли тураржой, бошлангич баҳоси – 2 648 840 000 сўм.

Аукцион қилиб олиб объект учун тўловларни сотувчи билан олди-соти шартномаси имзоланган санадан бошлаб 60 кун ичида амалга ошириши лозим.

Аукцион савдолари 2018 йил 29 октябрь кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда бўлиб ўтади. Талабгорлардан буюртманомалар қабул қилиш эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтайтилади. Маъмур бошқармаси 2018 йил 29 октябрь кунин сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2018 йил 6, 13, 20, 27 ноябрь, 4, 11, 18, 25 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади ва такрорий савдолар учун буюртманомалар қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтайтилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиалидаги ташки майдони 79,56 кв.м. ва 0029-литердаги ташки майдони 263,55 кв.м. бўлган Машииний бинолар, омборхоналар, ишлаб чиқариш биноси ва механизмларни сақлаш айвони, бошлангич баҳоси – 281 792 000 сўм.

Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорига ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатилади ҳамда риэлторлик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

– закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Қўшимча маълумотларни

realtor@service@mail.ru,

147-40-00 телефон рақами

орқали олишингиз мумкин.

Тошкент вилыоти, Тошкент тумани, Қизғалдоқ ҳудуди, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида жойлашган "SWEET SNACKS CLASSIC" (ИНН 304645261) оливалй қорхонаси мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

Юнусов Қодир Турғунович номига берилган Янгийўл тумани, У. Мусаев ҚФЙ, "Қоратепи" маҳалласидаги р/й уйга тегишли бўлган (Т00160716-сонли) кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ИННОЯТЛАРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори бу борадаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтарди, десак муболага бўлмайди.

Ушбу ҳужжат 2017-2021 йилларда янги ички маҳсулотнинг энергия сифимини янада қисқартириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва қайта тикланувчи манбалар энергиясидан фойдаланишни кенгайтиришга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Унга кўра, яқин истиқболда устувор вазифа сифатида иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сифимини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергияни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш кўзда тутилмоқда. Хусусан, қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантиришнинг мақсадли параметрларига асосан, 2025 йилга келиб, электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватлари таркибидида қайта тикланувчи энергия манбаларининг ҳиссасини 12,7 фоиздан 19,7 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, қарорга асосан 2017-2025 йилларда қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш бўйича умумий қиймати 5,3 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган 810 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Қолаверса, ижтимоий соҳа ва аграр тармоқ объектларида замонавий энергияни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан 56,5 миллион куб. метрдан ортиқ та-

бийий газ ҳамда 807,3 миллион кВт.соатдан ортиқроқ электр энергиясини тежаб қолишга эришилади.

Юқоридаги ҳужжат билан тасдиқланган Дастур, шу жумладан, қайта тикланувчи манбалардан энергия ишлаб чиқарувчи электростанцияларни қуриш учун инвестицияларни жалб этишни ҳам кўзда тутди. Энди ҳусусий электр ишлаб чиқарувчилар ҳам ягона электр тизимига уланиши ва шу тарика энергияни сотишлари мумкин бўлади. Лойиҳаларнинг ташаббускорларига кўмак кўрсатилади.



Хусусан, ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри, архитектура ва қурилиш қўмиталари лойиҳал

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni

Вилоятимизнинг қадимий ва навқирон туманларидан бири Пискентда 38 та умумтаълим мактаби бор. Улар орасида саногу сифатда биринчилардан бўлган 1-умумтаълим мактаби нафақат туманда, вилоятда ҳам муносиб обрў-этиборга эга таълим-тарбия маскани ҳисобланади.

1 минг 483 ўқувчиси, 82 ўқитувчиси бўлган аҳил жамоага Халқ таълими аълочиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депу-

деган сўзлари ўқитувчиларимизнинг ҳаётий шиори. Қолаверса, таълим-тарбияда одоб-ахлоқ нормаларига алоҳида эътибор

са, бундан нафақат ота-она, балки жамият катта зарар кўради. Шу маънода, муҳтарам Президентимизнинг "Ёшларни маъна-



Жаҳон илмики бу кун менга ёд эрур,
Анга барча жаҳл аҳли устод эрур.

йўриғи, ўрни бўлақча-да... Дарвоқе, М. Қурбонова раҳбарлик қилаётган мактабнинг биринчи ўринга

мактаб ўқувчиларининг шахмат бўйича мусобақалардаги ютуқлари республика миқёсида эътироф этилади.

Шу ўринда М. Қурбонованинг учал қизи ҳам инглиз тили ўқитувчиси эканини таъкидлаш жоиз. "Ўқитувчилар сулоласининг аънаси хали давом этади, — дейди директор. — Невазарим ҳам шу шарафли касбни ёқтиришди..."

Демак, шу мактабдан учирма бўлиб чиққан 10 нафар фан доктори, 100 дан ортиқ фан номзодларининг сафи янада кенгайишига шубҳа йўқ.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат

САНОҚДА ҲАМ, СИФАТДА ҲАМ БИРИНЧИ

тати, "Эл-юрт ҳурмати" ва "Дўстлик" ордени нишондори Мархабо Қурбонова раҳбарлик қилади.

— Соҳада фаолият олиб бораётганимга 40 йилдан ошди, — дейди у. — Онам, аммаларим: "Ўқитувчилик касбини танлаб, кам бўлмадик", дейишарди. Уларга ҳавас қилиб, шу йўлдан борганимга шукроналар қиламан. Донуларимизнинг: "Яхши ўқитувчи бўлиш учун ўқи-таётганинг ва ўқитганларни севишинг лозим",



қаратиш, шахсий ибрат кўрсатиш ўқитувчининг бурчи. Ўзи яхши ўқисаю, тарбиясиз, одобсиз бўл-

вий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, жумладан, соҳа ходимларига кўрсатилаётган ҳам-хўрликлар уларнинг касб масъулиятини янада ошириши шубҳасиз. Айнан шу қарордан кейин сафларимизда эркак ўқитувчилар кўпайиб қолганини таъкидлашим келади. Ахир, таълим-тарбияда уларнинг

муносиб жиҳатлари талайгина. Аввало, қатор халқ таълими аълочилари, давлат мукофоти совриндорлари дарс бераётган мактаб ўқувчилари туман, вилоят, ҳатто республика миқёсидаги танловларда эътироф этиб келинади. Қолаверса, "Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби" номига муносиб кўрилган илм масканида филология ва хорижий тиллар бўйича чуқурлаштирилган дарслар ўтилади. Шунингдек, ушбу

Дарс қирқ беш дақиқа давом этади. Лекин унинг маърифати, ҳаяжон умирга татиғулик бўлиши мумкин. Бу кўп жиҳатдан ўқитувчининг маҳорати, фидокорлигига боғлиқ...

Бугун эл-юртимиз тараққиётнинг мутлақо янги босқичи сари дадил одимламоқда. Оламшумул янгилар, қўлланми ислохотлар даврида яшаймиз. Тил ўрганишга рағбат кучайди, иштиёқ ошди. Зотан, бу бутун дунёга бағрини очиб, дўстона алоқалар сари олиқайган мамлакатимиз истиқболи учун жуда муҳимдир. Мана, Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган фармонларини ўқиб, моҳиятини бир англаб кўринг-а. "Ўзбекистон Республикасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ушбу фармон жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардор ва



Кимки шогирдликка чин дилдан шод,
Бир кун узи ҳам бўлгуси устод.

Қуйи Чирчиқ туманига сафар чоғи шулар ҳақида ўйлаб кетаётсак, автобусга қўлида чиройли гулдаста кўтарган қизлар чиқишди. Ҳамма қил этиб уларга қаради. Олдинги ўриндаки ўтирган ота-

ланғич синф ўқитувчиси Шохиста Мустафоқулова экан. Шу баҳона Шохистахон билан суҳбатлашдик.

— Салкам 20 йилдан буён шу касбни ардоқлаб келаямкан, — дейди у

масин, дея "Зерикма" тўғрагини ташкил этганимиз. Бу марказлашган тўғрагимизда ҳар бир фанни ўзига хос ва ўхшаш томонлари билан уйғунлаштириб, табиат билан боғлаб ўрганимиз. Болалар эртақларни ўқиб, таассуротларини ёзишди, улардан китобча ясашди. Бу ишда оналар ҳам иштирок этишди.

"Бола қалби оқ қороз" деганлари бор гапда! Унга фақат яхшилик, эзгулик ҳақидаги сўзлар битилса, қомиллик сари қадам қўйишлари осон бўлади. Айниқса, қамолотга етган ўқувчиларимизни кўрганда меҳнатларим зое кетмаганидан ғурурланаман. Улар нигоҳидаги чексиз меҳр менга куч-қувват бағишлайди. Аслида, ўқитувчилик жуда масъулиятли, аммо шарафли касб. Бу борада омадим бор экан. Қайнона-қайнатам тўрт фарзандим билан бу ишни урдалашимга астойдил ёрдам беришди. Ўқитувчилар оиласига келин бўлганимдан қувонаман.

Суҳбатимиз якунида "Сиздан бир илтимосим бор эди", деб қолди Шохиста. Унинг айтишича, эришяётган муваффақиятларида, аввало, мактаб жамоаси, бошланғич синф ўқитувчиларининг ҳиссаси катта экан.

— Улар туфайли ўқувчилар меҳри, ота-оналар ҳурмати қозондим. Бу мен учун катта бахт. Касбим билан доимо фахрланаман! — дейди у.

Мансур ХИММАТОВ
олган сурат

45 дақиқа хаяжонлари

Мактабдан мактублар

юқори малакали мутахассисларни ҳам етакчи хорижий таълим муассасаларида, ҳам Ўзбекистонда тайёрлаш ва малакасини ошириш имкониятларини кенгайтирувчи жуда муҳим тарихий ҳужжат бўлди.

Мактабимизда чет тилларини ўқитишда яхши тажриба тўпланган. Дарвоқе, мактабимиз бу йил Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси ҳамда БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) билан ҳамкорликда ташкил этилган Республика иншоолар танловининг якуний босқичига мезбонлик қилгани ҳам бежиз эмас. Иншоолар танловининг дастлабки босқичида Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги умумий ўрта таълим муассасаларидан "Менинг ўқишга бўлган иштиёқим" (My Motivation to Study) мавзусида инглиз тилида ёзилган 3 минг 200 дан ортиқ иншоолар қабул қилинди. Биринчи босқичда 42 та энг яхши иншо муаллифлари ва уларнинг устозлари саралаб олинди ва улар маҳорати якуний босқичда баҳоланди.

Шу ўринда яна бир гап. Ўтган йили шахримизда меҳмон бўлган хорижликлар мактабимизга ҳам келишди. Ўқув муассасамиздаги тўғрақлар, кутубхона, спорт зали ва майдончалари, боғимиз, қўйингки, ҳар жиҳатдан мукаммал шароитимизни кўриб, ҳавас қилишди. Ўқувчиларимиз соф инглиз тилида ўзларининг орзу-умидлари, интилишлари ҳақида айтиб беришди. Шунда меҳмонлар ҳайрат ва ҳаяжонларини яширмай: "Ўзбекистонда тил ўрганишга қаратилаётган алоҳида эътибор бошқалар учун ибрат бўлгудек даражада экан", деб кетишди.

Хорижликлар тилидан илгари бундай илиқ эътирофларни эшитиш мумкинмиди?

Ана шунанга гаплар. Хуллас, танлаган касбимизнинг сурурга тўла онлари кўп бўлади. Шогирдларимиз эришяётган ютуқлардан қанчалик шодлансак, меҳнатимиз элда қадр-қиммат топаётганини кўриб, ана шунча қувонамиз. Меҳнатнинг роҳатга айланиши шу эмасми, аслида?

Зулфия МИРАБДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳридаги 144-мактабнинг
инглиз тили ўқитувчиси

ШОХИСТАГА АТАЛГАН ГУЛЛАР

Оламнинг гултожи инсон бўлса, улар орасида суюқлиси устоз-муаллимдир. Устоз деганда ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат, эҳтиром, чексиз миннатдорлик, шу билан бирга ҳеч қачон адо этиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси пайдо бўлади.

Эҳтиром



хон: "Менга беринг гулингизни, ушлаб турай", деб қўлидан олди-да: "Кимга бу гуллар?" дея сўради. "Биринчи ўқитувчимизга!" дейишди улар ҳаяжон билан.

— Баракалла қизларим, ўқитувчиларини унутмаган оқибатли ўқувчиларнинг ота-онасига раҳмат, — деди миннатдорлик билан отахон.

Кейин билсак, бу гулдаста тумандаги 27-умумтаълим мактабининг бош-

ҳаяжон билан. — Бошланғич синф ўқитувчисининг меҳнатини пойдевор қўювчи устанинг ишига қиёс қиламан. Пойдевор мустаҳкам бўлса, бино ҳеч қачон завоқ билмайди.

Ҳозирги глобаллашув жараёнида ўқувчини дарсга қизиқтириш осон эмас. Агар дарсларда янги инновацион ғоялардан фойдаланмасангиз, мақсадга эришолмасиз. Қолаверса, дарсдан ташқари вақтларини бекорга ўтказиш-

этомқда.

Мактабда ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга алоҳида эътибор билан қаралади. Мактаб бу борада ҳам яхшигина ютуқларга эришган. Мамлакатимизда анча таниқли бўлган футболчилар Достон Хамдамов



Жаҳонда бўлмаса муаллим агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди гўзал бу қадар.


ва Жавлон Мирабдуллаевлар айнан мазкур мактаб битирувчилари саналади. Ўтган йили "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари доирасида фаол иштирок этган мактабнинг баскетболчилар жамоаси вилоятда юқори ўринни қўлга киритгани ҳам фикримиз тасдиғи бўла олади.

Албатта, мактаб ўқувчи-

ри эришяётган ютуқларда ўз касбини ардоқлаб келаётган Феруза Саидова, Дилноза Қосимова, Иноят Салимбоева, Мавлуда Саъдуллаева, Мархабо Аширбоева, Қундузхон Боймуродова, Акмал Саъдуллаев, Иномжон Усмонов, Абдуҳаким Аҳмедов, Исоқжон Йўлдошев каби қўллаб устозларнинг ҳиссаси катта.

— Таълим муассасамиз 2015 йилда туманда "Энг яхши мактаб" деб топилган бўлса, ўтган йили "Таълим сифати энг юқори мактаб" деган номга мушарраф бўлди. Буларнинг барчаси, албатта, жамоамизнинг самарали ва ижодий меҳнатлари маҳсулидир, — дейди мактаб директори Умида Ҳасанова.

Ашуралӣ БОЙМУРОДОВ



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Хафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.
11 860 нусхада
чоғ этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 233-58-85 (факс)
233-70-10
233-55-38
233-38-23, 233-48-08
233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011
йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати"
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
оператор Т. Маҳмуджонов
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Навбатчи
Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаввиф
Аллома АЗИЗОВА